



**NORMATIV-HUQUQIY HUJJATLAR LOYIHASINI ISHLAB
CHIQISH VA KELISHISHNING YAGONA ELEKTRON
TIZIMI**

Loyiha

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРИ

Наманган вилоятида замонавий мева-сабзавотчилик агросаноат кластерини ташкил этиш

чора-тадбирлари тўғрисида

ID-56998 (V-1)

Мева-сабзавот маҳсулотларини етишириш, қайта ишлаш ва сотишнинг замновайи усулларини ривожлантириш, тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб қилиш, серҳосил ва экспортбоп мева-сабзавот экинлари навларини жойлаштириш, ташқи бозор талабига тўлиқ жавоб берадиган маҳсулотларни етишириш, шунингдек, аграр соҳа масулдорлигини ошириш ва янги иш ўринлари яратиш максадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Наманган вилояти ҳокимлигининг Наманган вилоятида “Namangan sharbat” МЧЖ негизида мева-сабзавот агросаноат кластерини (кейинги ўринларда – агросаноат кластер) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Куйидагилар агросаноат кластерининг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиширишнинг замонавий ва самарали усулларини, илм-фаннинг илфор ютуқларини, илфор инновацион агротехник ва сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш;

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда мева-сабзавотларни қайта ишлашнинг самарали усулларини ва уларни чуқур қайта ишлаш технологияларни жорий этиш;

замонавий “in-vitro” лабораторияси ҳамда кўчатхоналар ташкил этиш;

мева-сабзавотчилик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш орқали ракобатбардош, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

тупроқ унумдорлигини ошириш, экин ёрларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш.

3. Наманган вилоятида мева-сабзавотларни етишириш ва чуқур қайта ишлаш бўйича агросаноат кластери томонидан 2022 - 2025 йилларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг прогноз кўрсаткичлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Наманган вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги ер участкаси норматив қийматининг икки бараваридан ортиқ миқдордаги пул маблағлари депозитга қўйиш шарти билан Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида **бўш турган 301,4 гектар** қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини белгилангандар тартибда ижара хуқуки асосида агросаноат кластерига ажратиб берилишини таъминласин.

5. Белгилансинки, агросаноат кластер томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилмаганда, шунингдек ер ижара шартномасида назарда тутилган талабларга риоя этилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида назарда тутилган ҳолларда ер участкасини ижарага олиш хуқуқи бекор қилинади.

6. Наманган вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси

Сув хўжалиги вазирлиги, Давлат солик қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги билан биргаликда хўжаликларо сугориш ва мелиоратив тармоқларнинг техник ҳолатидан келиб чиқиб, белгиланган тартибда таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширсин ҳамда Наманган вилоятига белгиланган лимит доирасида экин майдонларини сув билан таъминласин.

7. Шунда тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ агросаноат кластер учун ажратилган ер майдонларининг:

сувни тежайдиган (томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет ва бошқа) сугориш технологиялари жорий этилган қисмига сувни тежайдиган сугориш технологиялари жорий этилган ойнинг бошидан эътиборан беш йил
муддатга солиқ солинмайди;

фермер хўжаликлари учун назарда тутилган лизинг бўйича қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш, ўсимликларни кимёвий ҳимоя
қилиш воситалари ва бошқа моддий ресурсларни етказиб бериш шартлари
ва тартиб-коидалари агросаноат кластер учун ҳам татбиқ этилиши;

Вазирлар Маҳкамасининг “Фермер хўжаликларининг насос агрегатлари ва сугориш қудуклари истеъмол қиласиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 3 майдаги 320-сон қарорига асосан фермер хўжаликларининг насос агрегатлари ва сугориш қудуклари истеъмол қиласиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратилиши маълумот учун қабул қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги агросаноат кластернинг буюртмасига мувофиқ шартнома асосида учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар) ёрдамида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экинлар ҳолатини мониторинг қилиш ҳамда зааркундалар билан заарланган майдонларда агротехник тадбирларни ўtkазиш бўйича хизмат кўrsatiшни йўлга кўйисин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги агросаноат кластер томонидан амалга ошириладиган лойиҳаларда иштирок этиш учун юқори малакали хорижий мутахассисларга агросаноат кластер буюртманомаларига биноан Ўзбекистон Республикаси худудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш хуқукини берадиган тасдиқномалар белгиланган тартибда берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг виза буюртманомалари биноан лойиҳани амалга оширишда жалб этиладиган чет эллик мутахассислар учун кириш визаларини консуллик йигимлар ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йигимлар ундирилмасдан, зарур ҳолларда, Ислом Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропортида расмийлаштирилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртманомалари бўйича лойиҳани амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга виза расмийлаштирилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг вақтинча турган

жойи бўйича рўйхатга олинишини белгиланган тартибда таъминласин.

12. “Худудий электр тармоқлари” АЖ инвестиция лойиҳаси объектларининг электр тармоқларига уланишини, энергия истеъмол қилувчи қурилмаларни Инвестор маблағлари ҳисобига белгиланган тартибда зарур кувват билан таъминлашни амалга оширасин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари Ш.М. Фаниев, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев ва Наманганд вилояти ҳокими Ш.Ш.Абдуразаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

A.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил ____ февралдаги ____-сон қарорига
ИЛОВА

**Наманган вилоятида мева-сабзавотларни етиштириш ва чуқур қайта ишлаш бўйича агросаноат кластери томонидан 2022 – 2025 йилларда
амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг
ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

| T/p | Инвестиция лойиҳасининг номи | Асосий ижро этувчи | Лойиҳа қиймати (эквивалентда млн. АҚШ доллари) | Молиялаштириш манбалари | | Инглис куввати | Ташкил этилаётган иш ўринлари сони | Амалга ошириш муддатлари |
|--|--|------------------------------------|--|---|--|----------------|------------------------------------|--------------------------|
| | | | | лоиҳа ташаббускор-ларининг ўз маблағлари (млн. АҚШ доллари) | хорижий инвестиция-лари (млн. АҚШ доллари) | | | |
| “Наманган Шарбати” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси | | | | | | | | |
| 1. | Янги интенсив боди яратиш | Наманган шарбати МЧЖ қушма корхона | 10,0 | 10,0 | - | 2000 тонна | 70 | 2022-2025 йиллар |
| | Агротехник тадбирлар амалга ошириш | | 0,01 | 0,01 | - | - | - | - |
| | Тупроққа минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий моддалар билан ишлов бериш | | 0,01 | 0,01 | - | - | - | - |
| | Интенсив кўчат сотиб олиш ва уларни экиш | | 3,11 | 3,11 | - | - | - | - |
| | Кўчатларни экиш | | 0,03 | 0,03 | - | - | - | - |
| | Сув чиқариш учун кудуклар ва насос станцияси куриш | | 0,11 | 0,11 | - | - | - | - |
| | Томчилаб сугориш тизимини жорий қилиш ва ўрнатиш | | 0,83 | 0,83 | - | - | - | - |
| | Бошқа харажатлар | | 0,03 | 0,03 | - | - | - | - |

| Т/р | Инвестиция лойиҳасининг номи | Асосий ижро этувчи | Лойиҳа қиймати (эквивалентда млн. АҚШ доллари) | Молиялаштириш манбалари | | Йиллик куввати | Ташкил этилаётган иш ўринлари сони | Амалга ошириш муддатлари |
|-----|--|--------------------|--|---|--|----------------|------------------------------------|--------------------------|
| | | | | лоиҳа ташаббускор-ларининг ўз маблағлари (млн. АҚШ доллари) | хорижий инвестиция-лари (млн. АҚШ доллари) | | | |
| | Кўчачилик лабараториясини ташкил қилиш | | 0,02 | 0,02 | - | - | - | - |
| | Мева сабзавот қайта ишлаш заводини кўчириб қуриш 3 йил мобайнида | | 5,77 | 5,77 | - | - | - | - |
| | 12 дона “Белорус” русумли тракторини харид қилиш | | 0,09 | 0,09 | - | - | - | - |